

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

САЛИМОВ АБДУМАЖИД АБДУВОХОБОВИЧ

**САНОАТ ТАРМОҒИДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Фарғона вилояти мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор ГАФУРОВ У.В.**

Тошкент – 2022 йил

Мундарижа

КИРИШ Ошибка! Закладка не определена.

**I БОБ. САНОАТ ТАРМОҒИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ
АСОСЛАРИ Ошибка! Закладка не определена.**

1.1-§. Саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналари фаолиятининг асосий
тамойиллари **Ошибка! Закладка не определена.**

1.2-§. Саноат тармоғининг кичик бизнес корхоналари фаолиятини ташкил
этишнинг ўзига хос хусусиятлари..... **Ошибка! Закладка не определена.**

1.3-§. Кичик саноат корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини
баҳолашнинг услубий масалалари **Ошибка! Закладка не определена.**

**II БОБ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА КИЧИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ХОЛАТИ..... 53**

2.1-§. Ўзбекистон саноат тармоғида кичик бизнес корхоналарини миқдорий
чегаралари ва мезонлари..... **Ошибка! Закладка не определена.**

2.2-§. Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона вилоят кичик саноат
корхоналари фаолиятининг асосий тенденциялари **Ошибка! Закладка не
определена.**

2.3-§. Фарғона вилоятида кичик саноат корхоналари фаолиятининг асосий
иқтисодий кўрсаткичлари **Ошибка! Закладка не определена.**

**III БОБ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА КИЧИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
..... Ошибка! Закладка не определена.**

3.1-§. Кичик корхоналар фаолият шароитларини таъминлаш орқали саноат
маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш ... **Ошибка! Закладка
не определена.**

3.2-§. Кичик саноат корхоналарининг йирик корхоналар билан кооперацион
алоқаларини кучайтириш **Ошибка! Закладка не определена.**

3.3-§. Кичик саноат корхоналарида инновацион жараёнларни
рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни такомиллаштириш..... **Ошибка!
Закладка не определена.**

ХУЛОСА..... Ошибка! Закладка не определена.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... Ошибка! Закладка не определена.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда саноат тармоғи жаҳон иқтисодиётининг барқарор ўсишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Мазкур тармоқнинг ўз салоҳиятини намоён этишида кичик бизнес корхоналарининг имкониятларидан фойдаланиш аҳамиятли таъсир кўрсатади. Зеро, кичик бизнес иқтисодиётни ҳаракатчанлигига ва мослашувчанлигига, ундаги рақобат муҳитини кучайтиришга, янги иш ўринларини яратишга, саноат кооперациялари орқали йирик корхоналар самарадорлигини ошириш каби ижтимоий-иқтисодий функцияларидан саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда фойдаланиш тармоқнинг фаолият самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Шунга кўра, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда кичик саноат корхоналарининг фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кичик саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини янада оширишга оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этишда кичик бизнес имкониятларидан унумли фойдаланиш, унинг иқтисодий функцияларини йўлга қўйилиши билан тармоқ самарадорлигини ошириш, кичик саноат корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишнинг замонавий усул ҳамда воситаларини жорий этиш, жумладан, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш орқали иқтисодий самарадорлигини ошириш, тармоқдаги кичик бизнес корхоналарининг йирик корхоналар билан кооперацион ҳамкорлик алоқаларини рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни йўлга қўйиш борасидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг асосий бўғини ҳисобланади. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, жумладан, саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари фаолиятини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда соҳанинг иштироки кенгаймоқда.